

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ 360-СОН 2019 ЙИЛ 27 АПРЕЛЬ**

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА
ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ, ТАЛАБАЛАР ЎҚИШИНИ КЎЧИРИШ, ҚАЙТА
ТИКЛАШ ВА ЎҚИШДАН ЧЕТЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА» 2017 ЙИЛ 20 ИЮНДАГИ 393-СОН
ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалар ҳамда таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларга мувофиқ олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидаларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 6-сон, 108-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 апрель,
360-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 апрелдаги 360-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш,
талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби
тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарорига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қарорнинг 1-бандида:

а) **тўртинчи хатбошидаги** «мувофиқ;» сўзи «мувофиқ тасдиқлансин» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) **бешинчи хатбоши** чиқариб ташлансин.

2. 1-иловада:

а) 1-банднинг **иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Низом ҳарбий таълим муассасаларига ва Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган хорижий олий таълим муассасалари ҳамда уларнинг филиалларига татбиқ этилмайди»;

б) 3-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Олий таълим муассасаларининг кундузги, сиртки, махсус сиртки ва кечки (сменали) таълим шаклларига талабаларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда Давлат комиссияси деб аталади) томонидан кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий

(ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади»;

тўртинчи хатбошидаги «тўпланган тест баллари» сўзлари «кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) натижаларига кўра тўпланган баллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «ректорлари жойларда тест синовларини» сўзлари «ректорлари (филиал директорлари) жойларда кириш имтиҳонларини (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) қуйидаги мазмундаги 4¹-банд қўшилсин:

«4¹. Абитуриентлардан алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишларига қабул тест синовларисиз, касбий (ижодий) имтиҳонлар орқали амалга оширилади.

Касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиладиган фанлар бўйича имтиҳон дастурлари ва ҳар бир фан хусусияти ҳисобга олинган ҳолда баҳолаш мезонлари, шунингдек, тегишли бакалавриат таълим йўналишларига мувофиқ келувчи фанлар мажмуаси олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилади ҳамда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар томонидан тасдиқланади.

Жадвал бўйича касбий (ижодий) имтиҳонларга (имтиҳон босқичи ёки турига) келмаган абитуриентлар учун қайта касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказилмайди, улар навбатдаги имтиҳонларга қўйилмайди ҳамда ўқишга қабул қилинмайди»;

г) 6-банднинг **биринчи, иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги** «испан,» сўзидан кейин «турк,» сўзи қўшилсин;

д) **10-банд** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Сиртки, махсус сиртки таълимга талабаларни қабул қилиш:

сиртки таълим шаклида — умумий ўрта (10-11-синфлар негизида), ўрта махсус, касб-ҳунар маълумоти тўғрисидаги тегишли ҳужжатга эга бўлган ва сиртки таълимга кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)дан муваффақиятли ўтган абитуриентлар ҳисобидан;

махсус сиртки таълим шаклида — фақат мос ёки турдош таълим йўналиши бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар маълумоти ва таълим йўналишига мувофиқ соҳа, касб, лавозимларда камида уч йиллик амалий иш стажига (педагогик йўналишлар учун педагогик стажга) ҳамда ишлаб турган соҳа ташкилотларидан берилган тавсияномага эга бўлган, кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)дан муваффақиятли ўтган абитуриентлар ҳисобидан амалга оширилади»;

е) қуйидаги мазмундаги 10¹ — 10⁵-бандлар қўшилсин:

«10¹. Олий таълим муассасалари бакалавриатининг сиртки таълим шаклига ўқишга қабул қилиш Давлат комиссиясининг қарорига мувофиқ Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган кириш тест синовлари ёки олий таълим муассасаларида ўтказиладиган кириш имтиҳонлари (касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) орқали танлов асосида амалга оширилади.

Бунда:

олий таълим муассасалари бакалавриатининг сиртки таълим шаклига тест синовлари орқали ўқишга қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги 261-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади;

олий таълим муассасалари бакалавриатининг сиртки таълим шаклига олий таълим муассасаларида ўтказиладиган кириш имтиҳонлари (касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) орқали танлов асосида ўқишга қабул қилиш мазкур Низомга 5-иловада белгиланган тартибда амалга оширилади.

10². Олий таълим муассасалари учун белгиланган қабул квоталари таркибида ҳудудлар кесимида мақсадли қабул квоталари тасдиқланган таълим йўналишларига қабул муайян ҳудудда доимий яшайдиган (паспортдаги маълумоти бўйича), умумий ўрта (10-11-

синфлар негизиди), ўрта махсус, касб-хунар маълумоти тўғрисидаги тегишли ҳужжатга эга бўлган ва кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)дан муваффақиятли ўтган абитуриентлар ҳисобидан амалга оширилади.

10³. Олий таълим муассасалари бакалавриятининг кундузги таълим йўналишларига ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча давлат гранти квоталари асосида ўқишга қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 июндаги 417-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларига ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча давлат гранти квоталари асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом асосида амалга оширилади.

10⁴. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг офицерлари, шартнома бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва оддий аскарлар таркибидagi ҳарбий хизматни ўташда ҳалок бўлган, шунингдек, ҳарбий хизматни ўташда ярадор бўлган, контузия, шикаст олиш натижасида ногирон бўлиб қолган ёки касалликларга дучор бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари вазирликлар ёки идораларнинг тегишли тавсияномалари асосида белгиланган қабул квоталаридан ташқари давлат гранти асосида олий таълим муассасалари бакалавриятига (иккинчи ва ундан кейинги олий таълимдан ташқари) ўқишга танловсиз қабул қилинади.

10⁵. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг хизматдаги офицерлари, шартнома бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва оддий аскарлар таркиби фарзандлари учун олий таълим муассасалари бакалавриятининг кундузги таълим шаклидаги таълим йўналишларига давлат гранти асосида белгиланган умумий қабул квоталарининг беш фоизи миқдорида давлат гранти асосидаги қўшимча қабул квоталари ажратилади.

Ажратилган беш фоизли давлат гранти асосидаги қўшимча қабул квоталарига талабалikka қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларининг белгиланган шаклдаги тавсияномаларига эга бўлган абитуриентларнинг тест синовлари натижаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ажратилган беш фоизли давлат гранти асосидаги қўшимча қабул квоталарига қабул қилинмаган абитуриентлар тўплаган баллари билан мазкур таълим йўналишида умумий тартибда танловда иштирок этадилар;

ж) 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Олий таълим муассасаларида ўқишга қабулни сифатли ташкил этиш мақсадида олий таълим муассасаларида қабул комиссиялари ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар томонидан белгиланган тартибда қабул комиссияси раиси, унинг ўринбосари ва қабул комиссияси котиблари тайинланади. Бунда олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) лавозим бўйича қабул комиссиясига раислик қилади.

Қабул комиссиялари аъзоларининг вазифалари қабул комиссияси раиси томонидан белгиланади.

Абитуриентларнинг ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризалари олий таълим муассасалари қабул комиссиялари томонидан 15 июндан 15 июлгача (шу куни ҳам), Ўзбекистон давлат консерваторияси учун 15 июндан 10 июлгача (шу куни ҳам) қабул қилинади.

Аризалар онлайн тарзда ҳам қабул қилиниши мумкин.

Абитуриент олий таълим муассасаси қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

таълим йўналиши, ўқув тили, шакли кўрсатилган ҳолдаги ариза (аризада олий таълим муассасасини тугатганлиги ёки олий маълумоти йўқлиги, қайси чет тилидан тест топшириши, ҳарбий тавсияномага эга бўлганлар унинг рақамини ва танланган иккинчи олий таълим муассасаси, таълим йўналишини кўрсатишлари ҳамда тест синовларини

ўтказиш қоидалари ва жавоблар варақаларини тўғри тўлдириш билан танишганлиги кўрсатилади);

умумий ўрта таълимни (11-синф негизида) тугатганлиги ҳақидаги ҳужжат ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини тугатганлиги ҳақидаги ҳужжат ва унинг иловаси асл нусхалари;

паспорт (16 ёшга тўлмаганлар учун туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома)нинг нусхаси;

3,5 x 4,5 см ўлчамдаги 6 дона рангли фотосурат;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқишга киришда имтиёз берувчи ҳужжатнинг асл нусхаси;

махсус сиртқи бўлим абитуриентлари учун меҳнат дафтарчасидан белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма ва ишлаб турган соҳадан тавсиянома.

Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар ва кўзи ожизлар тоифасига кирувчи шахслар ушбу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжатларни топширадилар.

Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар тоифасига «Меҳрибонлик уйлари»да яшаб таълим олган, 18 ёшга тўлмаган, отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган ёки суд қарорига биноан вафот этган деб эълон қилинган болалар киради.

Ариза шакли олий таълим муассасаси томонидан белгиланади.

Танловдан ташқари ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлган халқаро ва республика олимпиадалари, танловлар ва мусобақалар ғолиблари асл нусхадаги тасдиқловчи ҳужжатларни топширадилар.

Абитуриент аризасидаги «ўзим ҳақимда қуйидагиларни маълум қиламан» устунига ҳужжатлар билан тасдиқловчи ҳолатлар (болалиқдан I ва II гуруҳ ногиронлари, етим, «Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчилари ва боқувчиси йўқ) қайд этилади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасининг аслини мазкур банднинг еттинчи — ўнинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳужжатлар билан биргаликда тақдим этадилар.

Ҳарбий қисм тавсияномасининг шакли ва уни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати томонидан белгиланади.

Абитуриент томонидан паспорт (16 ёшга тўлмаганлар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома) қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

Ҳарбий қисмлар қўмондонлиги тавсияномалари улар берилган кундан ҳамда муддатли ҳарбий хизматни тугатган даврдан бошлаб уч йил мобайнида ҳақиқий ҳисобланади (олий таълим муассасасига талабалikka қабул қилинганлиги тўғрисидаги расмий буйруқ бўлса, имтиёздан такроран фойдаланиш мумкин эмас).

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мавжуд бўлганда олий таълим муассасаси қабул комиссияси абитуриентнинг ҳужжатларини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас.

Ҳужжатлар қабул қилишнинг белгиланган муддатлари тугагандан сўнг ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш қатъиян ман қилинади.

Абитуриент томонидан топширилган ҳужжатларнинг қалбакилиги аниқланса, у ҳолда абитуриент кириш имтиҳонларидан (талабалikka қабул қилинган бўлса олий таълим муассасаси талабалари сафидан) четлаштирилади ҳамда ҳужжатлари белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилади.

Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари 20 июлгача бўлган муддатда Давлат тест маркази орқали Давлат комиссиясига таълим йўналиши, ўқув шакли ва тили кўрсатилган ҳолда, абитуриентларнинг сони ҳақида белгиланган шаклдаги маълумотни имтиёзга эга бўлганлар тўғрисидаги маълумотлар билан қўшиб тақдим этадилар»;

з) 17-бандда:

биринчи хатбошидаги «тест синовларининг» сўзлари «кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)нинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «тест натижалари» сўзлари «абитуриентларнинг олий таълим муассасаларига талабалikka тавсия этилганлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 18-банднинг бешинчи хатбошидаги «тест синови» сўзлари «кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)» сўзлари билан алмаштирилсин;

к) 19-банднинг биринчи хатбошидаги «энг юқори баллнинг 30 % (68,0 балл)дан» сўзлари «Давлат комиссияси томонидан белгиланадиган минимал баллдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

л) 20-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«20. Кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)да тўплаган натижалари Давлат комиссияси томонидан белгиланадиган минимал баллдан кам бўлмаган, асосий квоталар доирасида ва Давлат комиссияси томонидан белгиланган қўшимча ўринларга қабул қилинмай қолган ва ўқиш истагини билдирган абитуриентларга биринчи ўқув йилига амалда ўрнатилган тўлов-контракт миқдорида нисбатан 10 баробар ва ундан ортиқ оширилган тўлов-контракт миқдоридан тўловни амалга ошириш шarti билан ўқишга кириш ҳуқуқи берилади.

Кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) натижаларига кўра Давлат комиссияси томонидан белгиланадиган минимал баллдан кам балл тўплаган абитуриентларга биринчи ўқув йилига амалдаги оширилган тўлов-контрактнинг таълим йўналиши бўйича белгиланган энг юқори миқдорининг 2 баробарига тенг тўловни амалга ошириш шarti билан ўқишга кириш ҳуқуқи берилади.

Тест синовлари натижаси бўйича етарли балл тўпламаган ва оширилган тўлов-контракт асосида ўқиш истагини билдирган барча абитуриентлар учун оширилган тўлов-контрактнинг миқдори (баробари) кам бўлган таълим йўналишини танлаш имконияти берилади. Бунда, абитуриент тест топширган фанлар мажмуасининг (фанларнинг блокдаги ўрни) мослиги билан биргаликда унинг доимий яшаш жойи ёки ҳужжат топширган олий таълим муассасаси жойлашган ҳудуд мезон этиб белгиланади.

Оширилган тўлов-контракт асосида ўқиш истагини билдирган абитуриент Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатларда тўлов-контракт шартларини биринчи ўқув йили учун тўлиқ бажаргандан сўнг олий таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинади»;

м) 21-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

н) 23-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида» 1993 йил 5 февралдаги ПФ-555-сон Фармонида мувофиқ ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида» 2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарори билан тасдиқланган Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақалари ғолиблари бўлган академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Республика олимпиадалари, танловлари ва спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги низомлар асосида халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолиблари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази таъсис этадиган махсус гувоҳномани олганлар Давлат комиссиясининг қарори билан тегишли олий таълим муассасаларининг мос таълим йўналишларига танловдан ташқари кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)сиз давлат грантлари асосида қабул қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 1999 йил 10 июндаги ПФ-2326-сон Фармонида мувофиқ Зулфия номидаги Давлат мукофотлари соҳибалари бўлган умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари мос таълим йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига танловдан

ташқари кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)сиз давлат грантлари асосида қабул қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мард ўғлон» давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 ноябрдаги ПҚ-3402-сон қарорига мувофиқ «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳиблари бўлган умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари мос таълим йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига танловдан ташқари кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)сиз давлат грантлари асосида қабул қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ва тегишли вазирликлар, идоралар томонидан ҳар йили ўтказиладиган педагогика ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари битирувчилари ва таълим муассасалари тарбияланувчиларининг «Тарбиячи» республика танлови ғолиби, тиббиёт муассасалари ҳамшираларининг «Ҳамшира» республика танлови ғолиби, Бадий академиянинг тасвирий санъат бўйича республика танлови ғолиблари, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари мазкур вазирликлар, идоралар ва жамғармалар тақдимномаларига мувофиқ Давлат комиссиясининг қарори билан тегишли олий таълим муассасаларига, мос таълим йўналишларига танловдан ташқари кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)сиз давлат грантлари асосида қабул қилинадилар.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларига олий таълим муассасаларига имтиёзли қабул қилиш мақсадида тавсияномалар бериш бўйича республика комиссияси тақдимномаси асосида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг қарори билан доимий яшаш жойидаги олий таълим муассасаларининг педагогика таълим йўналишларига танловдан ташқари кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)сиз давлат грантлари асосида қабул қилинадилар;

Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Исҳоқхон Ибрат номидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг бутун ўқиш даврини аъло баҳоларга ўқиган битирувчилари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тавсиясига асосан Давлат комиссияси қарори билан олий таълим муассасалари бакалавриатининг хорижий тил ва адабиёти, филология ва тилларни ўқитиш таълим йўналишларига танловдан ташқари тест синовларисиз ва касбий (ижодий) имтиҳонларсиз қўшимча давлат грантлари асосида ўқишга қабул қилинадилар.

Олимпиада фани, танловлар билан олий таълим йўналишлари ўртасидаги касбий мувофиқлик Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Маданият вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари олимпиадалар, танловлар ва мусобақалар ғолибларининг аризалари ҳақидаги маълумотларни, таълим йўналиши, ўқув шакли ва тили кўрсатилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази орқали Давлат комиссиясига 22 июлгача бўлган муддатда тақдим этадилар. Давлат комиссияси 31 июлгача ғолиб бўлганлар бўйича тегишли вазирликлар, идораларнинг тақдимномаси асосида алоҳида қарор қабул қилади.»;

о) куйидаги мазмундаги 24¹-банд қўшилсин:

«24¹. Ҳарбий хизматчилар орасидан юқори натижаларга эришган, ҳар бир ҳарбий қисмдан биттадан ёш ҳарбий хизматчи ҳарбий қисм кўмондонлиги (рахбарияти) ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти тавсияномасига мувофиқ олий таълим муассасаларига тасдиқланган давлат гранти квоталарига қўшимча равишда, имтиҳонларсиз қабул қилинади»;

п) 25-банднинг **иккинчи хатбошисидаги** «I гуруҳ кўзи ожиз ногиронлар» сўзлари «кўзи ожизлар тоифасига кирувчилар» сўзлари билан алмаштирилсин;

р) куйидаги мазмундаги 26¹-банд қўшилсин:

«26¹. Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги қарорлардан норози бўлганлар тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ёки судга белгиланган тартибда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга»;

с) Низомга 1-илованинг 8-банди куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Жадвал бўйича касбий (ижодий) имтиҳонларга (имтиҳон босқичи ёки турига) келмаган абитуриентлар учун қайта касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказилмайди, улар навбатдаги имтиҳонларга қўйилмайди ҳамда ўқишга қабул қилинмайди»;

т) Низомга 2-илованинг 5-банди биринчи хатбошисидаги «(тегишли равишда 111,6 балл, 75,6 балл ёки 39,6 балл)» сўзлари «(тегишли равишда 93,0 балл, 63,0 балл ёки 33,0 балл)» сўзлари билан алмаштирилсин;

у) 4-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

ф) куйидаги мазмундаги 5-илова қўшилсин:

«Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида низомга

5-ИЛОВА

Олий таълим муассасаларининг сиртқи таълим шаклига ўқишга қабул қилиш

ТАРТИБИ

1. Ўқитишнинг сиртқи шаклига талабаликка қабул фақат тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

2. Ўқитишнинг сиртқи шаклига кириш учун ҳужжатлар ҳар йили 1 июлдан 30 июлгача бўлган муддатда қабул қилинади.

3. Олий таълим муассасаси таълим йўналиши (фан) бўйича имтиҳон комиссиясининг раислигига номзодни ўз вақтида тасдиқлаш учун бўйсунувига қараб тегишли вазирлик ёки идора билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этади.

Олий таълим муассасаси таълим йўналиши (фан) бўйича имтиҳон комиссиясининг раислари рўйхати Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

4. Кириш имтиҳонлари бошланишидан олдин ректорнинг буйруғи билан тегишли фанлар бўйича имтиҳонларни ташкил этиш ва қабул қилиш учун тажрибали, малакали ва масъулиятли профессор-ўқитувчилар таркибидан таълим йўналиш (фан)лари бўйича имтиҳон комиссияси ташкил этилади.

5. Айрим ҳолларда олий таълим муассасаси таълим йўналиши (фан) бўйича имтиҳон комиссияси таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда бошқа таълим муассасалари ўқитувчилари асосий иш жойи маъмуриятининг тавсияларига биноан киритилиши мумкин.

6. Ўқитишнинг сиртқи шаклига кириш имтиҳонлари дастурлари, баҳолаш мезонлари ҳамда кириш имтиҳонлари бўйича уларга мувофиқ келувчи фанлар мажмуаси олий таълим муассасасининг ректори томонидан бўйсунуви бўйича вазирлик ёки идора билан келишилган ҳолда тасдиқланади ва кириш имтиҳонлари бошланишидан олдин абитуриентлар эътиборига етказилади.

Кириш имтиҳонлари топшириқлари умумий ўрта (11-синф негизда), ўрта махсус, касб-ҳунар таълими фанларининг ўқув дастурларига мувофиқ тузилади.

Спорт фанлари бўйича имтиҳонлар топшириқлари абитуриентларнинг алоҳида тоифалари учун (жинси ва ёши бўйича) белгиланган меъёрий талабларга мувофиқ тузилади.

7. Кириш имтиҳонлари ўтказилишидан бир ҳафта олдин абитуриентларга олий таълим муассасаси қабул комиссияси масъул котиби имзолаган ва олий таълим муассасаси қабул комиссияси муҳри қўйилган ва ушбу тартибга 1-иловада намуна сифатида келтирилган рухсатнома берилади.

8. Кириш имтиҳонларини ташкил этиш ва уларни жойларда адолатли ўтказиш масъулияти олий таълим муассасалари қабул комиссиялари раислари, фан бўйича имтиҳон комиссия раислари ва улар томонидан тайинланадиган масъул ходимларга юкланади.

9. Кириш имтиҳонлари ҳар йили 16 августдан 25 августгача бўлган муддатда ўтказилади.

Кириш имтиҳонлари камида 3 та фандан муайян таълим йўналишида ўқитиш тилида ўтказилади.

10. Педагогика таълим йўналишларига ҳужжат топшираётган абитуриентларга касбий лаёқатига мувофиқ касб танлашга кўмаклашиш олий таълим муассасалари томонидан очиқ эшиклар куни, карьера куни, меҳнат ярмаркаси тадбирларини ўтказиш, шунингдек, абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш жараёнида факультетларда ташкил этилган касбга йўналтириш хоналарида маслаҳатлар бериш орқали амалга оширилади.

11. Имтиҳонларга ажратиладиган вақт имтиҳон дастурларига мувофиқ олий таълим муассасаси қабул комиссиясининг қарори билан белгиланади.

12. Кириш имтиҳонлари ўтказиладиган бинога киришда абитуриент микрокалькулятор, лугат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб киришга ҳаракат қилса ёки олиб кирган бўлса, имтиҳонлар давомида имтиҳон топшириқларини бошқа абитуриентга узатса ёки ёрдам берса, имтиҳонлар учун ажратилган вақт тугаганидан кейин имтиҳон топшириқларини топширишдан бош тортса, имтиҳон топшириқларини аудиториядан ташқарига чиқарса, абитуриент имтиҳон ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади ва таълим йўналиши (фан) бўйича имтиҳон комиссияси раиси (аъзоси) томонидан далолатнома тузилиб, у имтиҳондан четлаштирилади ва ўқишга қабул қилинмайди.

13. Имтиҳон жараёни ҳар бир гуруҳда камида 2 нафар гуруҳ назоратчиси кузатувида комиссия раиси томонидан тасдиқланган жадвалга қатъий риоя этилган ҳолда ўтказилади.

14. Абитуриентларнинг ёзма (амалий) шаклда бажарган имтиҳон ишларини текшириш ва баҳолаш шифрлаш орқали амалга оширилади.

Кириш имтиҳони тугаганидан сўнг гуруҳ назоратчиси абитуриентларнинг ёзма (амалий) имтиҳон ишларини қабул қилиб олиш, ҳар бир ёзма (амалий) иш ва унинг ушбу тартибга 2-иловада намуна сифатида келтирилган титул варағига идентификация рақамлари (шифр)ни қўйиш ҳамда имтиҳон комиссияси раисига ушбу имтиҳон ишларини текширишга бериш учун масъул ҳисобланади.

Ёзма (амалий) имтиҳон ишларига қўйилган шифрларнинг махфийлигини таъминлашга гуруҳ назоратчиси шахсан масъул ҳисобланади.

Ёзма (амалий) имтиҳон ишларини шифрлаш ва қайта тиклаш ҳамда уларни текшириш ва баҳолаш махсус ажратилган хоналарда амалга оширилади.

Ёзма (амалий) имтиҳон ишларини объектив текшириш ва баҳолаш учун масъулият фан бўйича имтиҳон комиссияси раиси ва аъзоларига юклатилади.

Ёзма (амалий) имтиҳон ишлари қабул комиссияларининг махсус хоналарида бир йил сақланади ва ушбу муддат ўтганидан сўнг белгиланган тартибда йўқ қилинади.

15. Қабул комиссиялари фаолияти олий таълим муассасаси бўйсунувига кўра вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари ёки тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ваколат берилган ходимлар томонидан кузатиб борилади.

16. Имтиҳонлар, тегишли бакалавриат таълим йўналишлари рўйхати ва уларга мувофиқ келувчи 3 та фан мажмуаларида тўпланиши мумкин бўлган максимал 189,0 баллдан, ҳар бир фаннинг ўрнига қараб унинг учун ажратилган энг кўп баллнинг 0 дан 100 фоизгача бўлган оралиқда баҳоланади.

17. Имтиҳонлар натижалари баллар миқдори сифатида, титул варағига ва қайдномага киритилади. Бу ҳужжатларнинг ҳар бири фан бўйича имтиҳон комиссияси

раиси ва олий таълим муассасаси қабул комиссиясининг масъул котиби томонидан имзоланади ҳамда муҳрланади.

18. Ўқитишнинг сиртқи таълим шакли бакалаврият таълим йўналишларига мувофиқ фанлар мажмуасидаги ҳар бир фан бўйича имтиҳон натижалари имтиҳон хусусиятига қараб, имтиҳон ўтказилганидан кейин 1 — 3 кун муддатда олий таълим муассасаси расмий веб-сайтида эълон қилинади.

19. Олий таълим муассасасида имтиҳонлар ўтказилиши даврида белгиланган тартибда норозилик (апелляция) аризаларини кўриб чиқиш учун апелляция комиссияси иши ташкил этилади.

Норозилик (апелляция) аризалари имтиҳон натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат ичида қабул қилинади ва апелляция комиссияси томонидан мурожаат қилганларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда бир кундан уч кунгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

20. Жадвал бўйича имтиҳонларга (имтиҳон фани, босқичи ёки турига) келмаган абитуриентлар учун қайта имтиҳонлар ўтказилмайди ва улар ўқишга қабул қилинмайди.

21. Кириш имтиҳонлари натижаларига кўра абитуриентларни талабалikka тавсия этиш тўғрисида олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи қабул қилиниб, кириш имтиҳонлари қайдномалари ҳар йили 29 августга қадар бўйсунувига кўра тегишли вазирлик (идора)га тақдим этилади.

Ўқитишнинг сиртқи шаклига талабалikka тавсия этилган абитуриентларни 2 сентябрдан бошлаб дарсларга қатнашишга рухсат бериш тўғрисида олий таълим муассасасининг буйруғи расмийлаштирилади.

Ўқитишнинг сиртқи шаклига абитуриентларни ўқишга қабул қилиш юридик ёки жисмоний шахслар томонидан ўқиш учун шартномада белгиланган маблағ миқдори 15 сентябрдан кечиктирилмай, белгиланган тартибда ўтказилгандан сўнг, олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

22. Сиртқи таълим йўналишларига қабул қилиш тўғрисидаги қарорлардан норози бўлганлар белгиланган тартибда, тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Олий таълим муассасаларининг сиртқи таълим шаклига ўқишга қабул қилиш тартибига

1-ИЛОВА

Абитуриент рухсатномаси (ОЛД ТОМОНИ)

№ SR

ABITURIYENT DIQQATIGA!

1. Mazkur ruxsatnoma pasport bilan birga ko'rsatilganda kirish imtihoni o'tkaziladigan hududga kirish imkonini beradi.
2. Belgilangan vaqtdan kechikkanlar kirish imtihoniga qo'yilmaydi.
3. "ABITURIYENT RUXSATNOMASI" dagi ma'lumotlar xato to'ldirilgan yoki to'ldirilmagan hollarda abiturient tomonidan qabul komissiyasiga murojaat qilinadi.



ВНИМАНИЮ АБИТУРИЕНТА!

1. Данный пропуск при предъявлении паспорта даёт возможность входа на территорию здания.
2. Опоздавшие в назначенное время к вступительному экзамену не допускаются.
3. Абитуриент в случаях ошибочного заполнения или незаполнения данных в "ПРОПУСКЕ АБИТУРИЕНТА" должен обратиться в приёмную комиссию.

ABITURIYENT
RUXSATNOMASI

ПРОПУСК
АБИТУРИЕНТА

(ОРКА ТОМОНИ)

_____ (Familiyasi, ismi, otasining ismi/Фамилия, имя, отчество)		Kirish imtihoni vaqtida to'ldiriladi Заполняется во время вступительного экзамена	
_____ (Ta'lim muassasasi/Образовательное учреждение)	_____ (Ta'lim shakli / Форма обучения)	_____ (Ta'lim yo'nalishi shifri va nomi) (Шифр и наименование направления образования)	
Ta'lim tili / Язык обучения	Chet tili / Иностранный язык	Pasport/Паспорт	
_____ Qabul komissiyasi mas'ul kotibi F.I.O. Ф.И.О. ответственного секретаря приёмной комиссии	_____ Imzo / Подпись	Kirish imtihoni o'tkaziladigan sana / время проведения вступительного	
_____ Ismi/Звание		I. fan / предмет _____ fan nomi va o'tkaziladigan sana / название предмета и время проведения	
_____ Guruh/Группа		II. fan / предмет _____ fan nomi va o'tkaziladigan sana / название предмета и время проведения	
		III. fan / предмет _____ fan nomi va o'tkaziladigan sana / название предмета и время проведения	
Berilgan vaqti / Дата выдачи 20__ у. ____	Ta'lim muassasasi muhuri		

Олий таълим муассасаларининг сиртки таълим шаклига ўқишга қабул қилиш тартибига
2-ИЛОВА

Титул varaқаси (олд томони)

Kirish imtihoni qaydnomasidan ko`chirma / Выписка из экзаменационной ведомости			№ ST
I. fan / предмет	<i>fan nomi va o`tkaziladigan sana / название предмета</i>	ball/балл	<input type="text"/> — <input type="text"/>
		<i>imtihon oluvchi F.I.O. / Ф.И.О. экзаменатора</i>	<i>imtihon ishi</i>
II. fan / предмет	<i>fan nomi va o`tkaziladigan sana / название предмета</i>	ball/балл	<input type="text"/> — <input type="text"/>
		<i>imtihon oluvchi F.I.O. / Ф.И.О. экзаменатора</i>	<i>imtihon ishi</i>
III. fan / предмет	<i>fan nomi va o`tkaziladigan sana / название предмета</i>	ball/балл	<input type="text"/> — <input type="text"/>
		<i>imtihon oluvchi F.I.O. / Ф.И.О. экзаменатора</i>	<i>imtihon ishi</i>
IV. Umumiy ball / Общее количество баллов		ball/балл	<input type="text"/>
V. Ushbu ta`lim yo`nalishi bo`yicha belgilangan eng past o`tish bali: Минимальный проходной балл, определенный по этому направлению образования:			<input type="text"/>
VI. Abituriyentning talabalikka qabul qilinishi: Зачисление абитуриента:			<input type="text"/>
		<small>grant bo`yicha; no grantu</small>	<small>kontrakt bo`yicha; no kontraktu</small>
		<small>*grant(kontrakt/imtihon) asosida qabul qilinadi; *qabul qilinmadi / *зачислен по гранту(контракту/льготе); *не зачислен</small>	
Qabul komissiyasi mas`ul kotibi Ответственный секретарь приёмной комиссии		F.I.O.; Ф.И.О.	Imzo: Подпись
			20__ yil " __ " __

(орқа томони)

TITUL VARAQASI; ТИТУЛЬНЫЙ ЛИСТ																																																																									
Familiyasi, ismi, otasining ismi/Фамилия, имя, отчество																																																																									
Ta`lim muassasasi/Образовательное учреждение		Guruh/Gруппа																																																																							
Ta`lim shakli/Форма обучения		Ta`lim tili/Tык обучения																																																																							
(Ta`lim yo`nalishi shifri va nomi) (Шифр и наименование направления образования)																																																																									
<table border="1" style="font-size: small;"> <tr><td>1</td><td>1</td><td>1</td></tr> <tr><td>2</td><td>2</td><td>2</td></tr> <tr><td>3</td><td>3</td><td>3</td></tr> <tr><td>4</td><td>4</td><td>4</td></tr> <tr><td>5</td><td>5</td><td>5</td></tr> <tr><td>6</td><td>6</td><td>6</td></tr> <tr><td>7</td><td>7</td><td>7</td></tr> <tr><td>8</td><td>8</td><td>8</td></tr> <tr><td>9</td><td>9</td><td>9</td></tr> <tr><td>0</td><td>0</td><td>0</td></tr> </table>	1	1	1	2	2	2	3	3	3	4	4	4	5	5	5	6	6	6	7	7	7	8	8	8	9	9	9	0	0	0	<table border="1" style="font-size: small;"> <tr><td>1</td><td>1</td><td>1</td><td>1</td></tr> <tr><td>2</td><td>2</td><td>2</td><td>2</td></tr> <tr><td>3</td><td>3</td><td>3</td><td>3</td></tr> <tr><td>4</td><td>4</td><td>4</td><td>4</td></tr> <tr><td>5</td><td>5</td><td>5</td><td>5</td></tr> <tr><td>6</td><td>6</td><td>6</td><td>6</td></tr> <tr><td>7</td><td>7</td><td>7</td><td>7</td></tr> <tr><td>8</td><td>8</td><td>8</td><td>8</td></tr> <tr><td>9</td><td>9</td><td>9</td><td>9</td></tr> <tr><td>0</td><td>0</td><td>0</td><td>0</td></tr> </table>	1	1	1	1	2	2	2	2	3	3	3	3	4	4	4	4	5	5	5	5	6	6	6	6	7	7	7	7	8	8	8	8	9	9	9	9	0	0	0	0	Ta`lim muassasasi shifri	
1	1	1																																																																							
2	2	2																																																																							
3	3	3																																																																							
4	4	4																																																																							
5	5	5																																																																							
6	6	6																																																																							
7	7	7																																																																							
8	8	8																																																																							
9	9	9																																																																							
0	0	0																																																																							
1	1	1	1																																																																						
2	2	2	2																																																																						
3	3	3	3																																																																						
4	4	4	4																																																																						
5	5	5	5																																																																						
6	6	6	6																																																																						
7	7	7	7																																																																						
8	8	8	8																																																																						
9	9	9	9																																																																						
0	0	0	0																																																																						
			20__ yil " __ " __																																																																						
Qabul komissiyasi mas`ul kotibi Ответственный секретарь приёмной комиссии		F.I.O.; Ф.И.О.	Imzo: Подпись																																																																						
ESLATMA: titul varaқasi talabning shaxsiy hujjatlari yig`ma jildida saqlanadi. ПРИМЕЧАНИЕ: титульный лист хранится в личном деле студента.																																																																									

».

3. 2-иловада:

а) 1-банднинг **иккинчи хатбошиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушбу Низом ҳарбий таълим муассасаларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясига, Тошкент давлат юридик университетида, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясига, Абу Райҳон Беруний номидаги Республика бизнес ва бошқарув олий мактаби, Ўзбекистонда фаолият

олиб бораётган хорижий олий таълим муассасалари ҳамда уларнинг филиалларига татбиқ этилмайди»;

б) 3-банднинг **бешинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Танлов ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича магистрлик мутахассислиги, ўқитиш тили ва шаклига кўра алоҳида ўтказилади. Айрим магистратура мутахассисликлари бўйича ҳудудлар кесимида, шунингдек, кадрлар буюртмачилари кесимида мақсадли қабул квоталари тасдиқланган тақдирда, танлов ҳар бир ҳудуд, шунингдек, кадрлар буюртмачилари (олий таълим муассасаси) бўйича алоҳида ўтказилади»;

в) 4-банднинг **биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кириш синовлари тегишли мутахассислик ўқитиладиган тилда ўтказилади»;

г) **7-банд** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва номли давлат стипендиялари совриндорлари, Зулфия номидаги Давлат мукофотлари соҳибалари, шунингдек «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳиблари бўлган олий таълим муассасалари талабалари ва бакалавр даражасига эга ёшлар олий таълим муассасалари магистратурасига бакалавриятнинг таълим йўналишига мос ва турдош мутахассисликларга танловдан ташқари алоҳида давлат грантлари асосида қабул қилинадилар»;

д) **10-бандга** қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши қўшилсин:

«қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқишга киришда имтиёз берувчи ҳужжатнинг асл нусхаси»;

е) **12-банд** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Ҳужжатлар тақдим этилиши жараёнида абитуриентлар паспортини шахсан кўрсатадилар»;

ж) **14-банд** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Магистратурага кириш синови умумий баллари қуйидагилардан ташкил топади:

магистратурага киришда танлаган мутахассислик бўйича билим даражасини белгиловчи махсус фанлардан синов ўтказилади (баҳолаш мезони 0 баллдан 100 баллгачани ташкил этади);

чет тили (хорижий филология, хорижий тил ва адабиёти таълим йўналишлари базасидаги мутахассисликлар учун иккинчи чет тили) фани бўйича синов ўтказилади (баҳолаш мезони 0 баллдан 50 баллгачани ташкил этади);

олий таълим муассасаси битирувчисининг умумий рейтинги ёки ўзлаштириш кўрсаткичи (ўзлаштириш тегишли равишда 55 баллдан 100 баллгача бўлган диапазонда юздан бир аниқликда, ўзлаштирган фанларининг ўртача бали орқали ифодаланади) аниқланади.

Халқаро тан олинган чет тилини билиш даражаси ҳақидаги сертификат (TOEFL бўйича камида 72 ёки IELTS бўйича камида 5,5 балл, TestDaF (TD№3), CEFR бўйича камида B2) ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан бериладиган Чет тилини билиш даражаси ҳақидаги B2 ёки C1 даражасидаги сертификат тақдим этганларга чет тилидан 50 балл қўйилади ва улар чет тилидан кириш синовида иштирок этмайди.

Магистратурага ўқишга киришда энг кўп (максимал) тўпланиши мумкин бўлган балл — 250 ни ташкил этади»;

з) 16-банддан **иккинчи — тўртинчи хатбошилар** чиқариб ташлансин;

и) **7-боб** ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

к) қуйидаги мазмундаги 31¹-банд қўшилсин:

«31¹. Олий таълим муассасаларининг магистратурасига ўқишга қабул қилиш бўйича қарорлардан норози бўлганлар тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ёки судга белгиланган тартибда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга».

4. 3-иловада:

а) 2-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясига, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясига, ҳарбий олий таълим муассасаларига, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган хорижий олий таълим муассасалари ҳамда уларнинг филиалларига татбиқ этилмайди»;

б) қуйидаги мазмундаги 2¹-банд қўшилсин:

«2¹. Хорижий фуқароларнинг ўқишини хорижий олий таълим муассасаларидан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига кўчириш (тиклаш) суҳбат асосида амалга оширилади. Уларнинг тўлов-контракт маблағлари миқдори қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади»;

в) 3-банднинг **иккинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Маълумотлар базаси мазкур Низом, ҳудудий ишчи гуруҳлар ташкил этиладиган олий таълим муассасалари рўйхати ва уларга топшириладиган ҳужжатлар намуналари, хорижий олий таълим муассасаларидан ўқишини кўчирмоқчи бўлганлар учун синовларни ўтказиш муддатлари, манзили акс эттирилган жадвалдан ташкил топади»;

г) 4 — 10-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4. Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш ва қайта тиклашда (кейинги ўринларда талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш деб аталади) таълим йўналишларининг (мутахассисликларининг) номланиши бир хил бўлганда бундай таълим йўналишлари (мутахассисликлари) мос деб ҳисобланади.

Олий таълимнинг турдош таълим йўналишлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

5. Талабалар ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш:

олий таълим муассасалари;

тизимда олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар;

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда Давлат комиссияси деб аталади) қарорлари асосида амалга оширилади.

6. Бир олий таълим муассасаси доирасида олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш шу олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи асосида амалга оширилади.

7. Қуйидаги ҳолларда талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш талабани қабул қилаётган олий таълим муассасаси бўйсунадиган вазирлик (идора) қарори асосида амалга оширилади:

олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича бир вазирлик (идора) доирасида бошқа олий таълим муассасасига;

олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича турли вазирлик (идора) доирасида бир олий таълим муассасасидан бошқа олий таълим муассасасига.

8. Қуйидаги ҳолларда талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш Давлат комиссияси қарори билан амалга оширилади:

хорижий давлатларнинг аккредитацияга эга бўлган олий таълим муассасаларидан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига;

бир олий таълим муассасаси доирасида ёки бир вазирлик ёки идора ёхуд турли вазирликлар ва идоралар тизимидаги олий таълим муассасаларига олий таълимнинг турдош бўлмаган таълим йўналишларига ва истисно тариқасида мос бўлмаган мутахассисликларига.

9. Қуйидаги ҳолатлар фуқаронинг ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш ҳақидаги аризасига рад жавоби берилишига асос бўлади:

хорижий давлатларнинг аккредитацияга эга бўлмаган олий таълим муассасаларида ёки уларнинг филиалларида ўқиганларга;

республика олий таълим муассасаларидаги мавжуд таълим шаклидан ўзга (бошқа) таълим шаклида ўқиганларга;

олий таълим муассасаларининг марказлари, бўлимлари, ўқув-маслаҳат пунктлари ва бошқаларда ўқиганларга;

биринчи курснинг биринчи семестрига биринчи семестр тугалланмаган ҳолатда ўқишни кўчиришга (талабага касаллик туфайли академик таътил берилган ҳолатлар, ўқиган таълим йўналиши мавжуд бўлмаганда кўчириб тиклаш ҳолатлари бундан мустасно);

олий таълим муассасасида мос (турдош) таълим йўналиши (мутахассислиги) ёки таълим шакли мавжуд бўлмаса;

намунавий ўқув режаларидаги умумкасбий ва ихтисослик (мутахассислик) фанлари бўйича фарқлар 4 тадан ошганда;

тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилганлар тўловни белгиланган муддатда амалга оширмаганда;

талабанинг шахсий йиғма жилди (академик маълумотнома) белгиланган муддатларда тақдим этилмаганда;

олий таълим муассасасига давлат гранти асосида кўчириш ва қайта тиклаш давлат гранти асосида таълим олувчилар сони (қабул квоталари) доирасида бўш ўринлар мавжуд бўлмаса;

олий таълим муассасаси моддий-техника базасининг имконияти чекланганда;

мақсадли қабул қилинганлар бошқа таълим йўналиши ёки таълим шаклига, бошқа олий таълим муассасасига;

кечки (сменали) таълимдан сиртқи (махсус сиртқи) таълимга ҳамда кечки (сменали) таълимнинг бир таълим соҳасидан иккинчи таълим соҳасига;

сиртқи (махсус сиртқи) таълимдан кундузги таълимга ҳамда сиртқи (махсус сиртқи) таълимнинг бир таълим соҳасидан иккинчи таълим соҳасига;

бир таълим шаклидан махсус сиртқи таълим шаклига ҳамда махсус сиртқи таълим шаклидан бошқа таълим шаклига;

талаба Ўзбекистон ва хорижий олий таълим муассасаларининг ўзаро келишуви асосида қабул қилиниб кўшма таълим дастурлари асосида таҳсил олган ёки таҳсил олаётган бўлса (мазкур кўшма дастурнинг ўзи бундан мустасно);

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолатларда.

Фуқаронинг ўқишини кўчириш (қайта тиклаш) бўйича аризасига рад жавоби берилган тақдирда, аризани кўриб чиқиш учун белгиланган муддатда, аризада кўрсатилган манзилга, аризани кўриб чиққан комиссия ёки комиссия ваколат берган ташкилот томонидан жавоб хати йўлланади.

10. Талабаларнинг ўқишини кўчириш ва қайта тиклашни расмийлаштиришда олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) белгиланган тартибда ўқув режалари ва дастурлардаги мавжуд академик қарзларни ёки фарқларни (намунавий ўқув режаларидаги умумкасбий ва ихтисослик (мутахассислик) фанлари бўйича фарқлар 4 тадан ошмаслиги лозим) топшириш тартиби ва муддатларини (жорий семестр давомида), ўқитиш курси (семестри) ҳамда ўқишга қабул қилишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа шартларини белгилайди»;

д) 15-банднинг **учинчи-тўртинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«аризаларни олий таълим муассасаси, тегишли вазирлик (идора) ёки Давлат комиссияси томонидан кўриб чиқиб, қарор қабул қилиш — ҳар йили 5 августдан 30 августга қадар амалга оширилади.

Талабалар ўқишини кўчириш узрли сабабларга кўра (республиканинг бир ҳудудидан иккинчи ҳудудига доимий яшаш учун ёки турмушга чиқиш муносабати билан турмуш ўртоғи доимий яшайдиган (паспорт бўйича доимий рўйхатдан ўтган) ҳудудга

кўчиб ўтганда, турмуш ўртоғи ёки ота-онаси ҳарбий хизмат ўташ жойини ўзгартирганда, ёхуд ота-онаси (турмуш ўртоғи) хориждаги давлат хизматидан қайтганда) баҳорги семестрда ўқув машғулотлари бошланишидан олдин ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда:»;

ж) 16-банднинг **бешинчи хатбошисидаги** «Идоралараро комиссияга» сўзлари «Давлат комиссиясига» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 17-банднинг **иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«кўчириш (қайта тиклаш)ни истаган таълим йўналиши (мутахассислиги), ўқув тили ва шакли кўрсатилган ҳолдаги ариза (аризада ўқиган олий таълим муассасаси ва таълим йўналиши (мутахассислиги), таълим шакли, мақсадли қабул бўйича ўқишга кирмаганлиги, кўчириш (қайта тиклаш) сабаблари, кўчириш (қайта тиклаш) қоидалари билан танишганлиги кўрсатилади)»;

и) 18-банднинг **тўртинчи ва олтинчи хатбошиларидаги** «Идоралараро комиссия» сўзлари «Давлат комиссияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

к) **19-банддаги** «Идоралараро комиссиянинг» сўзлари «Давлат комиссиясининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

л) **20-бандга** қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

«Ўқиши кўчирилишига рухсат этилган талабанинг мақсадли қабул асосида ўқиётганлиги ўқиб турган олий таълим муассасаси томонидан текширилади ва ҳақиқатда мақсадли қабул асосида ўқиётганлиги аниқланган тақдирда сўровнома юборган олий таълим муассасасига ҳамда талабага мазкур талабанинг ўқиши кўчирилиши мумкин эмаслиги тўғрисида уч кун муддатда тегишли хат йўлланади»;

м) **22-23-бандлар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Ўқишнинг барча шакллари бўйича олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича давлат грантлари ўринларига кўчиришга фақат давлат грантлари асосида таҳсил олган талабалар аризасига кўра олий таълим муассасаларида тегишли ўқув йилидаги қабул қилиш квоталарида белгиланган давлат грантларининг сони доирасида рухсат этилади.

Кўзи ожизлар тоифасига кирувчи сифатида ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга ажратилган квота доирасида давлат гранти асосида таҳсил олаётган талабалар ўқишини олий таълимнинг мос ва турдош таълим йўналишлари ҳамда мос мутахассисликларига давлат гранти асосида кўчирилишига рухсат этилади.

Бошқа ҳолларда, шунингдек, хорижий олий таълим муассасаларидан ўқишни кўчириш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

23. Хорижий олий таълим муассасаларидан ўқишини Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига кўчириш ва кўчириб қайта тиклаш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тизимида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идораларда ташкил қилинган комиссияларда ўқиши кўчирилатган олий таълим муассасаларининг муайян таълим йўналишидаги ўқишга кириш фанлари бўйича ўқийдиган тилида махсус синов (комиссия томонидан белгиланган тест ёки ёзма иш ёки касбий (ижодий) имтиҳон шаклида) топширади.

Турмуш ўртоғи ёки ота-онаси хорижий давлатдаги давлат хизматини ўташ жойи Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасига ўтказилган, Ҳукумат қарорлари ва топшириқлари ҳамда олий таълим муассасаларига эга вазирлик ва идоралар томонидан давлат буюртмаси билан хорижга ўқишга юборилганларнинг ўқишини Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига кўчириш махсус синовларсиз Давлат комиссияси қарорига асосан амалга оширилади.

Фуқаронинг махсус синов (комиссия томонидан белгиланган тест ёки ёзма иш ёки касбий (ижодий) имтиҳон шаклида) натижаси Давлат комиссиясига тақдим этилади. Махсус синов (комиссия томонидан белгиланган тест ёки ёзма иш шаклида) натижасидан келиб чиқиб, фуқаро Давлат комиссияси қарори билан кўрсатилган ўқув шаклидаги гуруҳларга тўлов-контракт асосида кўчирилади.

Кўчирилаётган олий таълим муассасасида тегишли ўқитиш тили мавжуд бўлмаса, ўқитиш тилини танлаш фуқаронинг аризасига мувофиқ амалга оширилади»;

н) қуйидаги мазмундаги 23¹ ва 23²-бандлар қўшилсин:

«23¹. Халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингида биринчи 1000 талик рўйхатдан жой олган Россия Федерацияси олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабаларнинг аризаларига мувофиқ уларнинг ўқиши Давлат комиссияси қарори билан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига синовлар (тест, ёзма иш)сиз тўлов-контракт асосида кўчирилади.

Халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингида биринчи 1000 талик рўйхатдан жой олган Россия Федерацияси давлат олий таълим муассасалари рўйхати ҳар йили Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

23². Хорижий олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида таҳсил олаётган талабалар ўқишини Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига кўчирилишига рухсат этилмайди»;

о) 24-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Олий таълим муассасаси ректори (директори)нинг талабани белгиланган тартиб ва муддатда дарсларга қатнашишига рухсат этиш тўғрисидаги буйруғи талаба илгари таълим олган олий таълим муассасасидан унинг шахсий йиғма жилди (шахсий йиғма жилд жўнатилиши мумкин бўлмаган ҳолларда — академик маълумотномаси) олингандан кейин расмийлаштирилади.

Тўлов-контракт асосида ўқиши кўчирилганларни талабалар сафига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги олий таълим муассасаси ректори (директори)нинг буйруғи улар томонидан белгиланган муддатда шартнома тўловлари бажарилгандан сўнг 10 кун муддатда қабул қилинади»;

п) 27-банднинг **учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўқишини баҳорги семестрга қайта тиклаш бўйича ариза топшириш — ҳар йили 15 январдан 25 январга қадар давом этади»;

р) 29-банднинг **учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича аризалар тегишли вазирлик ёки идора томонидан кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинади ва бу ҳақда ариза берган шахсга маълум қилинади;

ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича аризалар Давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинади»;

с) 30-банднинг **иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат грантлари бўйича таълим олган етимлар, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган (захирага бўшаган кунларидан бошлаб уч йил мобайнида), академик таътилдан белгиланган муддатда қайтган шахслар, Ҳукумат қарорлари ва топшириқлари ҳамда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар томонидан давлат буюртмаси билан хорижга ўқишга юборилган ва белгиланган муддатда қайтган талабалар истисно тариқасида ўқишга (муайян курсга) давлат грантлари ўринларига қайта тикланиши мумкин»;

т) қуйидаги мазмундаги 30¹-банд қўшилсин:

«30¹. Республика олий таълим муассасаларининг талабаси бўлган ҳамда ҳукуматлараро ёки идоралараро ёки олий таълим муассасалариаро келишув доирасида хорижий олий таълим муассасасида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасасида таҳсил олган таълим йўналишига мос бўлган йўналиш бўйича, бир ёки бир неча семестр ўқиб (Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасаси билан келишув асосида) белгиланган муддатда қайтган талабаларнинг хорижий олий таълим муассасасида таълим олган муддатларини (семестр) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасасида инобатга олган ҳолда (муайян таълим йўналиши ва таълим шаклида, жумладан, давлат

гранти асосида таҳсил олган талабалар — давлат гранти асосида) ўқишини давом эттиришига рухсат этилади.

Бунда муайян таълим йўналишлари бўйича намунавий ўқув режаларидаги умумқасбий ва ихтисослик (мутахассислик) фанлари бўйича фарқларни тегишли ўқув семестри давомида қайта ўзлаштиришга рухсат этилади.

Белгиланган муддатдан кеч қайтган талабалар ўқишининг тикланиши умумий тартибда кўриб чиқилади»;

у) **31-банд** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«31. Олий таълим муассасаси ректори (директори)нинг талабани талабалар сафига қайта тиклашга, белгиланган тартиб ва муддатларда дарсларга қатнашишига рухсат этиш тўғрисидаги буйруғи (кўчириб тиклашда талаба илгари таълим олган олий таълим муассасасидан унинг шахсий йиғма жилди (шахсий йиғма жилд жўнатилиши мумкин бўлмаган ҳолларда — академик маълумотномаси) олингандан кейин) расмийлаштирилади.

Тўлов-контракт асосида ўқиши тикланганларни талабалар сафига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги олий таълим муассасаси ректори (директори)нинг буйруғи улар томонидан белгиланган муддатда шартнома тўловлари бажарилгандан сўнг 10 кун муддатда қабул қилинади»;

ф) **36-37-бандлар** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«36. Талаба олий таълим муассасасидан куйидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:

а) ўз хоҳишига биноан;

б) ўқишнинг бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан;

в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

г) ўқув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидалари ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлиги учун;

д) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;

е) ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);

ж) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

з) суд қарорига кўра кириш имтиҳонларида белгиланган тартибни бузганлиги аниқланганда (ушбу ҳолатда талабалар сафидан четлаштирилганлар талабалар сафига қайта тикланмайди);

и) вафот этганлиги сабабли.

Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида талабага Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин.

37. Белгиланган муддатларда фанларни ўзлаштира олмаган (академик қарздор бўлган) талаба олий таълим муассасаси ректори буйруғи билан курсдан қолдирилади.

Академик қарздорлиги туфайли курсдан қолдирилган талаба тўлов-контракт асосида ўқишини қуйи курснинг тегишли ўқув семестри бошидан бошлаши мумкин.

Талабалар ўқув юкламаси ҳажмини аниқлашнинг шартли бирликлари (кредитлар)ни ўтказиш ва жамлаш тизими жорий этилган олий таълим муассасаларида академик қарздорлиги туфайли курсдан қолдирилган талабалар қуйи курсдаги тегишли ўқув семестридан бошлаб фақат ўзлаштира олмаган фанларини (модуллари) такроран ўқиши мумкин.

Курсдан қолдирилган талаба ушбу Низомнинг 36-бандидаги ҳолатлар бўйича талабалар сафидан четлаштирилиши мумкин»;

х) Низомга **илова** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида низомга
ИЛОВА

**Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш ва қайта тиклашни
амалга ошириш**

ТАРТИБИ

Кузги семестр бўйича

1-босқич	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруғи билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида битта олий таълим муассасасида ҳамда вазирликда фаолият юритадиган Ишчи гуруҳ ташкил этилади.	15 июнгача
2-босқич	Талабалар ўқишини кўчириш (қайта тиклаш) бўйича аризалар қуйидаги жойларда қабул қилинади: олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича кўчириш ва қайта тиклаш таълим олган олий таълим муассасасида; қолган ҳолларда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этиладиган Худудий ишчи гуруҳлари орқали қабул қилинади.	15 июлдан 5 августгача
3-босқич	Олий таълим муассасаси, вазирлик (идора) ва Давлат комиссияси аризалар юзасидан қарор қабул қилади ва фуқарога (ёки олий таълим муассасасига) жавоб хати йўллади.	5 августдан 30 августгача
4-босқич	Кўчириш (қайта тиклаш) масаласи ижобий ҳал этилган ҳолда (тегишли вазирлик (идора) ёки Давлат комиссиясининг хати асосида) олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан талаба дарсларга қўйилади ҳамда ушбу олий таълим муассасаси томонидан талаба илгари таълим олган олий таълим муассасасига унинг шахсий йиғма жилдини жўнатиш учун сўровнома юборилади.	2 сентябрдан 10 сентябргача
5-босқич	Талабани талабалар сафига қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ талаба илгари таълим олган олий таълим муассасасидан унинг шахсий йиғма жилди олиниб, тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилганлар тўловни белгиланган муддатда амалга оширгандан сўнг чиқарилади.	1 октябргача

Баҳорги семестр бўйича

6-босқич	Талабалар ўқишини кўчириш (қайта тиклаш) бўйича аризалар қуйидаги жойларда қабул қилинади: олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича кўчириш ва қайта тиклаш таълим олган олий таълим	15 январдан 25 январгача
----------	---	-----------------------------

	муассасасида; қолган ҳолларда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этиладиган Худудий ишчи гуруҳлари орқали.	
7-босқич	Олий таълим муассасаси, вазирлик (идора) ва Давлат комиссияси аризалар юзасидан қарор қабул қилади ва фуқарога (ёки олий таълим муассасасига) жавоб хати йўллайди.	25 январдан 15 февралгача
8-босқич	Қайта тиклаш (узрли сабаблар билан кўчириш) масаласи ижобий ҳал этилган ҳолда (тегишли вазирлик (идора) ёки Давлат комиссиясининг хати асосида) олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан талаба дарсларга қўйилади ҳамда ушбу олий таълим муассасаси томонидан талаба илгари таълим олган олий таълим муассасасига унинг шахсий йиғма жилдини жўнатиш учун сўровнома юборилади.	15 февралдан 25 февралгача
9-босқич	Талабани талабалар сафига қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ талаба илгари таълим олган олий таълим муассасасидан унинг шахсий йиғма жилди олиниб, тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилганлар тўловни белгиланган муддатда амалга оширгандан сўнг чиқарилади.	1 мартгача

Изоҳ: Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш ва қайта тиклашни амалга ошириш муддатларига Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин».

5. 4-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.04.2019 й., 09/19/360/3030-сон)